

Қуёшни тўхтатиб тур, шунда сен билан гаплашаман...



18:20 / 28.01.2019 3709

Зоҳид тобеъинлардан бўлган Омир ибн Абду Қайсдан нақл қилинади: «Бир киши унга: «Мен билан гаплашинг», дебди. Омир ибн Абду Қайс унга: «Қуёшни тўхтатиб тур, яъни мен учун қуёшни ҳаракатидан ушлаб тур, сен билан гаплашаман. Чунки вақт тўхтовсиз ўтиб кетувчидир. Ўтганидан кейин қайта келмас. Унинг зарари ўрнини тўлдириб бўлмайдиган зарардир. Чунки ҳар бир вақтда унда қилиниши лозим бўлган амал бордир», дебди.

Буюк саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу шундай деган: «Мен ажалим қисқариб, амалим кўпаймасдан қуёши ботган кунга чеккан надоматимчалик бирор нарсага надомат чекмадим».

«Уламолар наздида вақтнинг қадри» китобидан